

## ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЎЗИНИ-ЎЗИ ТАРБИЯЛАШГА ЙЎЛЛАШНИНГ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.98.66.076>

**Оқбўтаев Жамшид Йўлдошевич**

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети педагогика ва  
психология кафедраси ўқитувчиси*

*Аннотация. Мазкур мақолада ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялашга йўллашнинг шакл, метод ва воситалари илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилиб берилган. Шунингдек мақолада, таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигига эришишида ўзини-ўзи тарбиялаш компонентлари тарзида ўзини кузатиш, ўзини таҳлил қилиш ва ўзини билишни, ўзини-ўзи англаш масалалари тадқиқотчи тажриба ва кузатишлари асосида атрофлича ёритиб берилган.*

*Калит сўзлар: ўсмирлик ёши, ўқитувчи, синф раҳбари, ўқувчи, ўзини-ўзи тарбиялаш, шакл, метод, восита, компонент, ўзини кузатиш, ўзини таҳлил қилиш, ўзини билиш, ўзини бошқариш, таълим, тарбия, дунёқараши.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарорида “Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш, уларни турли ёт ғоя ва таҳдидлардан асраш, ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш” масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. [3;].

Дарҳақиқат, таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини таъминлашда моддий омиллар билан бир қаторда ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар ўқувчи ёшларни тарбиялаш даражаси, салоҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айтиш ўринлики, ҳозирги ўқувчи-ёшлар ҳар қандай салбий таъсирчан ғоялардан, онг, тафаккур қарамлигидан озод, оилада, атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний баҳолайдиган ва уларга эркин муносабатларини билдира оладиган ўзининг илғор фикрлари, намунаси билан оила аъзолари, синфдошлари, дўстларига таъсир қила оладиган, интеллектуал кучга эга, тиришқок, билимли, жасур ва одобли бўлмоғи керак [5;].

Бунинг учун таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни ўзгарувчан ҳаётий вазиятлар, жумладан “ўтиш” давридаги шижоатли ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш, ўзини-ўзи англаш механизмларини такомиллаштириш, ўз-ўзига хизмат қилиш, ҳатти ҳаракатларига баҳо бера олиш маданиятини тарбиялаш педагогиканинг муҳим масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3931-сонли Қарорида ўқувчиларни умуминсоний кадриятлар, юксак маънавият, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик ғояларини янада

чукур сингдириш, миллий менталитетга ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида кўрсатиб ўтилган.

Ҳақиқатдан ҳам ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш, ўзини-ўзи англаш масалалари назарий ва амалий жиҳатдан муҳим ва мураккаб муаммолардан саналиб келинган. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини ўзи тарбиялашга қаратилган педагоги шакл, метод ва воситалари тўғри танлаш ва амалиётга қўллай билиш эҳтиёжини юзага келтирди. Бу эса, ўз навбатида ўқувчиларнинг ўқувчилар дунёқарашини ривожланиши, ўзлигини англаши, умумий ижтимоий ва ахлоқий қоидаларни ўзлаштиришнинг ички эҳтиёжга айланишига олиб келади.

Шунингдек, ўқувчилар ўз ҳатти ҳаракатини бошқаришга иштирок этишга тайёрланади. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришида иштирок этиши уларнинг ўз кучига бўлган ишончни мустаҳкамлайди, хоҳлаган масала, муаммо, зиддиятларни ҳал этишга шароитлар яратади бу болалар учун жамоада соғлом маънавий руҳиятни ташкил этишнинг, ҳар бир жамоа аъзосининг жамоавий фаолиятга жалб этишнинг қулай методи. Унинг ёрдамида ўқувчилар жамоасини назорат қилиш ва демократик тарзда баҳолаш, ўқувчилар жамоасининг ғояларни қабул қилиш, маслаҳатлашишда ишни ажратиш олиш, жамоавий ижодий бажариш, жамоавий таҳлил ва баҳолаш, янги ишнинг ғоясини белгилашда инсоний шаъни, шахсий ғурури асосида тартибга солиш эҳтиёжлари ва кўникмаларини таркиб топтириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4947-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сонли “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонида ижтимоий соҳадаги бугунги ислохотларнинг моҳиятини ёритишга қаратилган тизимли тарбиявий, маънавий ишларни ташкил этишга эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, педагогик воситалар ва методлар таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади. Таълим-тарбия воситалари унинг мақсади ва мазмунига мос тарзда қўлланиладиган шакл ва методлар ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти уйғунлигини таъминлайди. Ўқитувчи ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишни кучайтириш мақсадида тарбиявий иш шаклига таяниб восита танлайди ва қўллайди.

Метод воситага нисбатан белгиловчи ҳисобланади. Ўқитувчи таълим-тарбия методларини кўпроқ қўллаш учун муайян воситаларни қўллайди. Демак, метод восита ва усулга нисбатан кенгрок, умумийроқ таъсир қилиш



ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятнинг яхлитлиги, уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади. [7;]. Таълим-тарбия методлари ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ўзаро биргаликдаги фаолият усули бўлиб, таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишни таъминлашди.

Метод ўз ичига усул ва воситаларни олади. Улар методнинг тарбиявий таъсирини ошириш ёки тарбиявий иш (жараён)га ўқувчиларни жалб қилишга хизмат қилади. Масалан, ўқитувчи ахлоқий мавзуда суҳбат ёки маъруза қилмоқда. Шу мавзуга доир ахлоқий вазият ёки унинг тасвирини кўрсатса, бу восита, ҳаракатлари, овоз тонининг ўзгариши усулида бўлиши мумкин. Таълим-тарбия жараёнида улар кўпинча бир бутун яхлитликда намоён бўлади. Шу билан бир қаторда, таълим-тарбия жараёнида улар ўзаро ўрин алмашилиши мумкин.

Ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялашга йўллаш методларини баён қилишдан олдин шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, ўзини-ўзи тарбиялаш таълим-тарбия шакли сифатида эътироф этилган. Бироқ, уларнинг мазмуни, шакллари, мақсад ва вазифалари, методлари, усул ва воситалари етарли тадқиқ қилинган эмас. Бир қатор педагог ҳамда психолог олимлар Л.И.Рувинский, А.Арет, А.И.Кочетов, Л.Гордин, В.Коротов ишларида ўзини-ўзи тарбиялашнинг умумий масалалари ўша баён қилинган. Бироқ, ушбу масала педагогика дарсликларида ўз ифодасини топмаган. Мустақиллик йилларида Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холикбердиевлар томонидан чоп этилган Педагогика ўқув қўлланмасининг «Тарбия усуллари» бўлимида ўзини-ўзи тарбиялаш усули ҳақида қисқача фикр юритилган. [9;].

Ўз-ўзини тарбиялаш муаммосини бир қадар батафсил ёритган профессор А.И.Кочетов ўзининг «Организация самовоспитания школьников» [6;] китобида ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялашнинг асосий методи сифатида ўзини билишни кўрсатиб, унинг компонентлари тарзида ўзини кузатиш, ўзини таҳлил қилиш ва ўзини билишни таъкидлайди. Унинг натижаси сифатида ўзига баҳо бериш ва ўзини бошқаришни кўрсатишни ўринли, деб ҳисоблайди. Бунда асосий метод уч таркибий қисмдан иборат. Ўзини билиш босқичлари: ўзини кузатиш, ўзини таҳлил қилиш ва ўзини билишни тан олишдан иборат [6;].

Таркибий қисмларнинг бундай тузилмаси муайян мантиққа асосланган бўлиб, шахснинг бошқа барча сифатлари ўзини-ўзи тарбиялашга кўмаклашувчи, ўзига-ўзи мурожаат этиши, ёзма ва оғзаки ҳисобот бериши, ўзини-ўзи таҳлил этиши кабилардан иборат бўлиб, улар ўқувчиларда ўзини-ўзи билишни кучайтиради.

Ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялашга йўлловчи асосий методлар ўзи-ўзини билишдан иборат. Шунга кўра биз ўзини-ўзи билиш жараёнининг мазмунини тавсифлашга интиламиз. Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи билиши ўзини кузатиш, ўзини таҳлил қилишдан иборат. Инсон ўз «мен»ини англашини ўзини-ўзи билиш сифатида баҳолаш мумкин. Ўқувчи ўзини билиш ва фаолият субъекти сифатида намоён бўлиб, бошқалар билан солиштириш воситасида ўзини-ўзи англайди.

Инсонни объектив ўрганиш учун уни яхлит тарзда олиб қараш лозим. Чунки шахсни ўрганиш учун унинг ташқи олам билан муносабатларини ҳам таҳлил этишни талаб қилади. Бу муносабатлар ҳар бир шахснинг ижтимоий, ўқув ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фаолиятнинг турли турлари ривожланиши ва ўзгариш динамикасини таҳлил этиш лозим.

Ўқувчиларнинг ўқиш, ижтимоий фойдали меҳнат, ўйин ва дам олиш ҳамда тенгдошлари билан муносабатларида ўзларини намоён қилишлари натижасида уларнинг янги қирралари намоён бўлади. Бу эса ўқувчилар ўзларини ўқув жараёни субъект сифатида англашларида ҳам яққол ифодаланади. Ҳар бир ўқувчи ўзини тўлиқ англаши учун турли вазиятларда ўзини-ўзи кузатиши талаб этилади. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини билишида ўзаро мулоқот, уларнинг амалий фаолияти ва ўзга кишилар билан муносабати алоҳида аҳамиятга эга. [10;].

Ўзини билиш бошқаларга муносабат орқали ҳам амалга ошади. Инсон ўз «мен»ини тўғридан-тўғри англай олмайди. У бошқалар билан ўзаро мулоқотга киришиш, ҳамкорлик жараёнида ўз моҳиятини англайди. Бундай ўзаро муносабат жараёнида ҳар қандай «мен», бошқа «мен»нинг объекти сифатида намоён бўлади. Шу тариқа шахслараро муносабатлар давомида кишилар бир-бирларини билиб борадилар. Ўқувчилар ўзларини бошқалар билан солиштириб, ижобий намунага интилиб, ўзларини такомиллаштирадилар.

Ўзини-ўзи тарбиялашда анланган шахснинг ўзига хос томонларини билиш ва унинг ҳулқ-атвори, ташқи жиҳатлари билан ўзиникини солиштириш имконияти вужудга келади. Бироқ, ўзини-ўзи ўрганиш индивидуал характерга эга.

Ўқувчиларни педагогик жиҳатдан ўрганиш шахсни инсон томонидан ўрганишнинг умумий қонуниятларига асосланса-да, анча чуқур ва мақсадга йўналтирилгандир. Ўқитувчининг ўзига хослиги, унинг ўқув фаолиятига тайёрлик даражаси, мулоқот ва ўқувчиларни ўрганиш савиясига боғлиқ.

Ўз-ўзини таҳлил қилиш натижасида нима учун айнан шундай бўлди деган саволга жавоб топишга ўқувчини ундайди.

Ўзини-ўзи таҳлил қилишда ўқувчи ўзини ўз идеали билан солиштириши, буюк кишиларнинг ҳаёти ва ўзи келажакда қандай шахс бўлишини тасаввур этиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай фаолият ўқувчини ўзидаги доимий ўзгаришларни кўра олиш ва ижобий сифатларини бойитишига кўмаклашади. Бу эса ўқувчининг ўзини-ўзи такомиллаштириш сари йўналиш олиш учун ниҳоятда зарурдир. Ўқувчи ўзини-ўзи таҳлил қилишида синов муҳим восита бўла олади. Ўзини синаш фикран эмас, кўпроқ амалий характерга эга бўлиб, ўқувчиларда турли ҳаётий вазиятлар, қийинчиликларга чидай оламанми ёки йўқми деган савол қийнаганда қўлланилади. Бунда уларнинг ҳаётий идеаллари миллий қаҳрамонлар, улуғ олим ва шоирлар бўлганда ўқувчилар ўзларида мавжуд бўлган шахсий сифатларини уларники билан солиштириб, уларнинг сифатларини ўзларига сингдиришга ҳаракат қиладилар. Ўқувчилар айрим ҳолларда турли сунъий



қийинчиликларни вужудга келтириб ўзларининг бардошларини синаб кўришга ҳаракат қиладилар. Биз тажриба синов-ишлари давомида худди шундай вазиятларни кузатишга гувоҳ бўлдик. Тажрибалар шуни кўрсатдики ўқувчилар фанлар юзасидан ўзлаштиришни яхшилаш мақсадида вақтинча сеvimли футбол тўғарагига қатнашмасликка қарор қилади. Ёки дарс топшириқларини бажармагунча овқатланмайди. Бундай ҳаракатлар кўпроқ ўғил болалар томонидан бажарилади. Ўқувчилар ўзларининг жисмоний, руҳий ва интеллектуал иродавий хислатларини синовдан ўтказиб, товланишга ҳаракат қиладилар. Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи таҳлил қилишида тенгқурларининг фикрлари, танқидлари ҳамда ўқитувчилар, ота-онасининг беғараз ёрдами, шахсига тегмайдиган фикрлари ҳам муҳимдир. Холисона айтилган фикрларни тинглаш, танқидлардан тўғри хулосалар чиқариш соғлом фикрли ўқувчи учун ўзини ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларида уларнинг шахсий сифатлари намоён бўлади. Натижада ўқувчиларда ўзига баҳо бериш кўникмаси ҳосил бўлади.

Ўзига баҳо бериш натижасида ўқувчиларнинг ўз ривожланиш даражасини аниқлашигина эмас, балки шахсий сифатларга қадриятли ёндашиш, ижобий сифатларидан қаноат ҳосил қилиб, уларни ўстириш эҳтиёжини вужудга келтиради. Улар камчиликларидан норозилик ва уларни бартараф қилиш учун ўз ҳаракатларига ўзгаришлар киритишдир.

Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялаш дастурларини тузишлари уларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу турли тарзда амалга ошиши мумкин: ёзма режа тузиш, ўз устига мажбурият олиш тарзида. Ўқувчилар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, унинг шаклини белгилаши керак. Кузатиш ва тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг ёзма режалари ўзини-ўзи тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки режанинг ёзма тарзда мавжуд бўлиши ўзини-ўзи тарбиялаш вазифаларини белгилашда фаол фикрлаш учун асос бўлади.

Ўқувчи ўзини-ўзи тарбиялаш режасини тузиши учун муайян манба ёки асосга таяниши керак. Бу асос ўқувчининг ўз шахсини билишидан иборатдир. Ўзини-ўзи тарбиялаш дастурини тузишда ўқувчининг шахсий сифатлари, йўналганлиги, ўзига танқидий қараши ёки ўзига тўғри баҳо бера олиши зарур.

Бунда ўзини-ўзи тарбиялаш дастури ва режалаштиришни бир-биридан фарқлаш керак. Ўзини-ўзи тарбиялаш дастури узоқ муддат давом этадиган ҳолатларни қамраб олиб, инсоннинг шахсий сифатларини бойитишни назарда тутди. Режалаштириш эса, муайян шахс учун ўзини-ўзи тарбиялашнинг аниқ вазифаси, тадбирлари, воситалари ва методларини белгилайди. Ўқувчининг ўзини-ўзи тарбиялаш дастурида таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ масалалар ва келажак режалари ўз ифодасини топиши керак.

Ўқувчилар билан олиб борилган ишларда шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, ўзини бўйсундириш туғма сифат эмас, балки шахсий фаолият ва таълим-тарбия маҳсули сифатида намоён бўлади.

Ўзини бўйсундиришнинг бир усули ўзини тута олишдир. Бу ўқувчи

ёки ўқувчилар жамоасининг зарарли, ёмон оқибатларга олиб келувчи воқеа ва ҳолатдан ўзини тийиши, сақлашида намоён бўлади. Ўз навбатида ўзини тута билиш интизом намунаси ҳамдир. Унинг ёрдамида ўқувчи ўз хиссиётларини жиловлайди, зарур ҳоллардагина мулоқотга киришади. Ўқувчиларда бундай сифатни тарбиялаш кундалик ҳаётда учраб турадиган ҳолатлар, воқеа-ҳодисалар, атрофидагиларнинг ўринсиз, ноқулай, ёқимсиз ҳаракатларини сабр-чидам билан қабул қилиш учун зарурдир. Ўзини тута билмаслик, инсоннинг ҳаёти, фаолиятига ноўрин аралашини инсонни ноқулай вазиятга солади, баъзан эса нохуш ҳолатларни олиб келишига сабаб бўлади. Ҳадиси шарифда: «Ўз жаҳлини боса олган одам энг кучли одам», дейилади. «Жаҳлинг келса, турган бўлсанг ўтир, ўтирган бўлсанг тур ёки жим тур», - дейилиши бежиз эмас.

Инсон ўз хиссиётларини жиловловчи ички кучга эга бўлиши керак. Бу кучни сабр ҳамда андишага тенглаштириш мумкин. Ўзбек халқида «керакси пайтда гапга аралашма», «катталарга гап қайтарма», «катталар ишига аралашма» каби ўғитлар мавжуд. Буларнинг барчаси ўқувчиларга миллий қадриятларни сингдиришга хизмат қилади. [9;].

Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини самарали ташкил этишда муҳим компонентлардан бири тарбия воситалари ҳисобланади. Гарчи воситалар тарбия самарасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмасида, унинг методлари таъсирчанлигини кучайтиради. Тўғри танланган ва ўқитувчи томонидан қўлланадиган методлар тизимига киритилган воситалар ўқувчиларга тарбиявий таъсирни кучайтиришга хизмат қилади. Бунинг натижасида улар ўқувчилар томонидан тарбиявий таъсир моҳиятини англаш, уларнинг кузатувчанлиги ва таъсирчанлигини кучайтириб, қўйилган мақсадни тезроқ фаҳмлашларига асос бўлади.

Тарбия воситалари ўқувчиларни сенсомотор ҳаракат қилишга ундовчи воситалар сифатида кўриш, эшитиш, таъм билиш, фаҳмлашларига таъсир ўтказиши. Шу асосда тарбиявий таъсирни бавосита кучайтириб, унинг моҳиятини билишга кўмаклашади. Улар: буюмлар, уларнинг моделлари, тасвирлари, чизмалари, рамзлари ёки нутқ ва инсоний ҳис-туйғулар ифодаси шаклида бўлиши мумкин. [4;].

Тарбия воситалари ўзаро боғланган бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Уларга ўқув қўлланмалари ва китоблари, бадиий асарлар, турли буюмлар, расмлар, ибратли шахслар тажрибаси ҳам қиради. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение, интернет, видеоматериаллар, инфорацион воситалар, газета ва журналлар ҳам тарбия воситаси бўла олади.

Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбияларшини таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ тарзда ташкил қилиш ва йўналтириш лозим. Шундагина у ўқувчиларда мўлжалланган ижобий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади. Ўқитувчи ўқувчиларда назарда тутилган сифатларни шакллантиришга хизмат қиладиган машқларни танлаши лозим.

Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялашни ташкил қилишда уларнинг жамоа билан ўзаро муносабати ҳақида фикр юритилганда, шуни таъкидлаш лозимки, ўз хулқ-атвори ва ҳаракатини онгли равишда жамоа мафаати,

ижтимоий фойдага йўналтириб улар учун курашга тайёр ва бошқалардан ҳам айнан шуни талаб қиладиган ўқувчини ўзини-ўзи тарбиялашнинг асосий мақсадидир.

Ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялашга йўллашнинг асосий воситаларидан бири уларни меҳнат қилишга ўргатишдир. Меҳнат жараёнида ўқувчининг ўзини намоён қилишига имкон яратиш натижасида у таълим олувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялашга хизмат қилади.

Ўқувчилар фаолиятида ўқиш, ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув материаллари билимдонлик, педагогик маҳорат асосида ўқувчиларга етказилса таълим олувчиларнинг ижтимоий тажрибасига сингади.

Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялашга йўллашда уларни ақлий меҳнат қилиш, яъни китобхонликка ундаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ахборот майдонлари ва оқимлари ниҳоятда кенгаётган бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ўқувчиларнинг китоб ўқишга қизиқишини анча пасайтирмакда. Инсонни маънавий такомиллаштиришда китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Шунинг учун ўқувчиларни оила ва мактабда китоб ўқишга ўргатиш ўзини-ўзи тарбиялашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Китоб ўқимаслик маънавий қашшоқликка олиб келади.

Биз ўзини-ўзи тарбиялаш воситаларини таснифлашда муайян назарий-амалий асосларга таяндик.

Ўзини-ўзи тарбиялаш воситаларининг ўқувчиларга таъсир кўрсатиш чегаралари сифатида яқка ва жамоавий таъсир воситаларига бўлиш мумкин. Бунда айрим воситаларнинг фақатгина алоҳида ўқувчига, бошқаларининг эса ўқувчилар жамоасига кўрсатадиган таъсири назарда тутилди.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялашга йўллаш воситаларини унинг шакл, усул ва методлари билан мутаносиб тарзда танлаш мазкур соҳада кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 24-сентябр

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2019 йил 29 апрель

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2020 йил 6 ноябр

4. Абдуллаева Ш.А. Ўқувчиларни тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялашнинг педагогик асослари.: Пед. ф. док. Диссер. автореф.-Т., 2005.- 32-б

5. Давронова Д.С. Preparing Young People to Social Relations on the Basis of Formation ideological and Political Culture in the Family Preparing Young People to Social Relations on the Basis of Formation ideological and Political

Culture in the Family Eastern European Scientific Journal. ISSN. 2199-7977  
Ausgabe 3-2016 47-49

6. Кочетов А. И. Организация самовоспитания школьников. – Минск: Нар.асвета, 1990.-40,173 с

7. Жўраев. Қ. Ўсмирларни ўзлигини англаш ва ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш Халқ таълими ж.-Т., 2003. № 6. 79-82 б.

8. Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси (дарслик). – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 288 б.

9. Ларина А. Б. Психолого-педагогические условия формирования познавательной самооценки младших школьников. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Калининград, 2011. – 23 с.

10. Мавлонова Р, Тўраева О, Холиқбердиев К. Педагогика. (дарслик) Тошкент. Ўқитувчи.2001